

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ў. Султонов

Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир

Муаммо. Сакрал хонадонлар ҳақида сўз очилар экан илмий доирада ҳам аҳоли орасида ҳам саййид, хўжа, тўра, мир ва бошқаларнинг бир-биридан фарқи, улардан қай бири устун экани ҳақидаги саволлар берилади. Ҳақиқатан ҳам улар бир-биридан қандай фарқланади? Умуман уларни фарқлаш керакми ёки бу мазкур хонадонлар ўтмишини ўрганишга таъсир қилмайдими? Сўнги чорак аср давомида Ўзбекистонда бу мавзунинг анча жонлангани рост. Лекин чоп этилаётган аксарият ишлар, асосан, қўлга тушган насабнома матнини (ёки мазмунини) эълон қилиш, ундаги шахснинг “саййид”лардан (!) экани, подшоҳлардан қатор имтиёзлар олгани ҳақидаги умумий маълумотномадан иборат бўлиб қолмоқда. Ўз аждодлари ҳақида рисола тайёрлаётган ҳаваскор муаллифларнинг ишлари эса одатда илмийликдан анча узоқ. Гап шундаки, насабга оид манбалар билан ишлаш ўзига яраша илмий метод ва ёндашувларни талаб этади. Сакрал хонадонларнинг мусулмон жамиятида тутган мавқеини ўрганишда уларнинг ўз генеалогиясини ишлаб чиқиши, легитимация асослари ва легализацияси, жамият буни қандай қабул қилгани билан боғлиқ саволларга жавоб топиш эса унданда муҳим. Шундай экан сакрал хонадонларни бугуннинг эмас, ўша даврда ўрнатилган тартиб-қоидалар, маҳаллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш лозим. Аввалги изланишларимизнинг бирида Ўрта Осиёга саййидларнинг кўчиши ва минтақада алавий (ҳусайний) саййидлар хонадонларининг шаклланишига тўхталган эдик [8: 27–30]. Ушбу мақолада эса минтақа сакрал хонадонларининг ажралмас қисми

бўлмиш хўжалар ва уларнинг сакраллашув жараёнига тўхталмоқчимиз. Хўш хўжалар ким? Уларнинг Ўрта Осиё жамиятида сакрал хонадонлар қаторидан ўрин олиши қандай кечди? Қуйида бу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Ўрта Осиё сакрал хонадонлари таркиби. Аввало, ғарб исломшунослигида мусулмон генеалогиясининг назарий ва амалий муаммолари юзасидан кўплаб эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилганини эътироф этмоқ лозим. Ана шу тадқиқотларни умумлаштириб айтганда, мусулмон генеалогиясида "саййид"лар (sayyīd, sharīf) сакрал хонадон вакили ва айни пайтда "аҳли байт"га мансуб шахс сифатида тушунилади. Пайғамбар алайҳиссаломга яқин кишиларга нисбатан қўлланилган аҳли байт кенг қамровли ва айни пайтда турли фикрлар тўқнашган тушунчадир. *Аҳли сунна ва-л-жамоа* уламоларига кўра, аҳли байт Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари ҳазрати Фотима, куёви Али ибн Абу Толиб, набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусайн ҳамда аҳли аёлларидан иборат. Айрим уламолар чаҳорёрлар ва Абдулмутталиб ибн Ҳошим хонадони вакилларини ҳам шу тоифадан деб ҳисоблаганлар. Шиа уламоларига кўра, эса аҳли байт фақатгина Пайғамбар алайҳиссалом, қизи ҳазрати Фотима, куёви Али ибн Абу Толиб, имом Ҳасан ва имом Ҳусайндан иборат [17: 257–258].

Ижтимоий контекстда аҳли байт Пайғамбар алайҳиссаломга яқин ва узоқ қариндош бўлган улкан Ҳошимийларнинг бир неча хонадонларини ўз ичига олади. Унинг марказида, Ҳасаний ва Ҳусайнийлар (авлодлар), атрофида алавий, Толибий, Аббосийлар (қариндошлар) ўрин олган. Уларнинг стратификацияси ислом ҳуқуқшунослари (фақиҳ) фатволари ва *илм ал-насаб* олимлари (*нассабун*) тарафидан ишлаб чиқилган. Бу хонадонлар вакиллари мусулмон жамиятида саййид/содот ёки шариф/ашраф титулига эга бўлган. Ҳозирги кунда саййид-шариф контекстида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда [10; 11; 13: 87–103; 15].

Саййид-шарифлар Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Эрон минтақасида айни пайтда сакрал оилалар (аҳли байт) тушунчасини ҳам англатади. Чунки бу ҳудудларда аҳли байтга мансублик ҳамда сакрал хонадонлар вакилларига бериладиган ижтимоий-иқтисодий имтиёзларидан фойдаланишда улар билан рақобатлашувчи бошқа ижтимоий қатлам кузатилмайди. Лекин Ўрта Осиёнинг XIII асрдан

кейинги сакрал хонадонлар структураси ислом оламининг ғарбий қисмидаги саййид-шариф тушунчаси доирасидан четга чиқиб кетди. Маҳаллий нарратив асарлар ва расмий-ҳуқуқий ҳужжатларда Ўрта Осиё сакрал хонадонлари *хонадони набавий (пайғамбар хонадони)*, *хонадони байзо (оқ/покиза хонадон)*, *одамизодегони саҳиҳ ал-насаб (асл насабли кишилар)* каби номлар остида тушунилган. Бу хонадонларга мансубликнинг бош мезони эса пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга авлодлик ёки қариндошлик билан белгиланган. Натижада, минтақада саййид, хўжа, мир, тўра, махдум, шайх, шоҳ каби турли ном ва мақомга эга ижтимоий қатламлар шаклланди. Лекин улар турлича номланмасин, асосан, қуйидаги келиб чиқишга эга эди: Ҳасаний ва Ҳусайний саййидлар, Алавий саййидлар, Толибий саййидлар, Аббосий саййидлар, Сиддиқий, Умарий, Усмоний ва Алавий хўжалар ҳамда саҳоба ва араб саркардалари авлодлари.

Қизиғи шундаки, XIII асргача бўлган даврда Ўрта Осиё саййидлари таркиби ҳам Ҳижоз ёки Ироқдагидек Ҳасаний, Ҳусайний, Алавий, Толибий, Аббосий каби хонадонлардан иборат эди. Лекин XIII аср давомида Ҳасаний ва бошқа Толибий саййидлар “ғойиб” бўлди. Бу жараён бошқа ҳудудларда ҳам кузатилади.

Ўрта Осиёда хўжаларнинг сакраллашув жараёни. “Хўжа” сўзи Ўрта Осиё топонимикаси ва омонимикасида энг кўп учрайдиган, содда маъно англатувчи ишорадир. Бу сўз иштирок этган инсон исми ёки ҳар қандай топоним, гидроним, ороним бўлсин унинг мана шу ижтимоий қатламга алоқаси борлигидан осонгина хабар беради. Лекин термин сифатида турли минтақа ва даврларда қўлланилган маъноларида айрим фарқлар бор. Масалан, “хожа” Сомонийлар (819–999) ва Ғазнавийлар (977–1187) давлатларида вазир титулини англатган бўлса, кейинроқ, хожагон/нақшбандия тариқати намоянда-лари ҳамда чаҳорёрлар авлодларига нисбатан қўлланилган (Хожа Ориф Ривгарий Ривгарий (ваф. 1237–38), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404–1490) [6: 279; 16: 125–126]. XIX асрдан сакрал оилага мансуб эркаклар исмининг қўшимчаси сифатида оммалашди (Саййидхўжа, Эшонхўжа, Маҳдихўжа каби). Бу ўша даврда исм эгаларини оддий аҳоли қатламидан ажратиб турувчи энг оддий белги эди. Яъни, хожа титули ҳасаб (инсон ўз ҳаёти давомида ақл-заковати, салоҳияти билан

эришган ютуқлари – бойлик, илм, обрў-эътибор) билан боғлиқ. Хўжа эса насаб, яъни ота-онаси воситасида олинган. Эътибор беринг, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор "Хожа" бўлиб туғилмаган. У зот ўз фаолиятининг маълум бир даврига келибгина бу титулни олган. Шундай экан ҳеч бўлмаса илмий матнларда титул сифатида қўлланиладиган "Хожа" ва исмдан кейин келувчи "хўжа"ни фарқлаш мақсадга мувофиқ.

Ўрта Осиёда XIII асрда юз берган саййидлар билан боғлиқ юқорида тилга олинган ҳодиса қайсидир маънода чаҳорёр авлодлари бўлмиш Алавий, Сиддиқий, Умарий ва Усмоний хўжаларга ўзларининг аҳли байтга мансублиги ҳақидаги даъволарини илгари суриш ва қонунийлаштиришга замин яратди. Юқорида таъкидланганидек, ижтимоий контекстдаги аҳли байтга мансублигининг асосий шарти Пайғамбар алайҳиссаломга қариндошлик эди. Қариндошлик мезонида энг яқин (Ҳасаний, Ҳусайний), яқин (бошқа Алавийлар), узоқроқ (Толибий, Аббосий) тизим мавжуд эди. Ўрта Осиё хўжалари чаҳорёрлар авлоди яъни, "қурайший" сифатида энг узоқ қариндош ҳисобланган. Хўжаларнинг аҳли байтга мансублигини кўрсатувчи бошқа мотивациялари ҳам бўлган албатта. Масалан, Алавий хўжалар Ҳазрат Алининг бошқа фарзандлари каби Алавийликка даъвогар эди. Сиддиқий, Умарий ва Усмоний хўжалар эса ўзларининг саййидлар каби қурайшийлиги, Пайғамбар алайҳиссаломнинг энг яқин сафдошлари, чаҳориёрлар авлоди экани ҳақидаги асосларни илгари сурганлар. Шу сабабли, хўжаларнинг насабномаларида асосий урғу чаҳорёрлар ва уларнинг исломдаги ўрнига қаратилган. Бундан ташқари, хўжалар Ҳусайний саййидалар билан бўлган никоҳ воситасида аҳли байт мансублари билан яқин қариндошлик ришталарини боғлаганлар. Бир неча авлодлар томонидан давом этган бундай никоҳлар натижасида айрим хўжаларнинг насаби ота, она ва бобо-бувилари ҳамда улардан аввалги аждодлари орқали ҳам Пайғамбар алайҳиссаломга боғланган.

Бундай ҳолатда хўжаларнинг насабда "саййид"лиги расман қабул қилинганми?

Бу саволга жавоб сифатида хўжаларнинг қозихоналарда "саҳиҳ ал-насаб саййид"лиги тасдиқланган кўплаб насабномалари ва ҳукмдорлар томонидан берилган ёрлиқларини кўрсатиш мумкин. Ана шундай муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири, XVIII асрнинг биринчи

ярмида ота тарафдан саййид бўлмаган мурожаатчининг саҳиҳ ал-насаб саййида онаси орқали саййид бўла олиши ҳақида Бухоро уламолари томонидан берилган фатводир. Хўжаларнинг аҳли байтга мансублиги борасидаги нуқталарда Ироқ ва Мовароуннаҳр уламолари ўртасида қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд. Бу зиддият айниқса, алавий хўжалар насаби масаласида яққол кўзга ташланади. Жумладан, XV аср Ироқ насабшуносларига кўра, Муҳаммад Ҳанафия ибн Али ибн Абу Толиб (ваф. 700) авлодлари унинг фақатгина Жаъфар ва Али исмли фарзандлари орқали давом этган. Шу сабабли, улар томонидан Мовароуннаҳрнинг Абдурраҳмон ва Абдулфаттоҳдан тарқалган “Алавий саййидлар” насаби ҳақиқий деб топилмаган. Лекин Мовароуннаҳр уламолари шиа насабшуносларининг бундай хулосасига эътибор қаратмаган ва бу хонадон вакилларини саҳиҳ ал-насаб саййид деб ҳукм чиқараверган. Албатта, бунга Алавий хўжалар аждодларининг минтақага исломни тарқатгани ва тасаввуф муҳитидаги обрў-эътибори ҳам таъсир қилган. Лекин Темурийлардан кейинги Ўрта Осиё жамиятида саййид ва хўжа ижтимоий қатлами ўртасида бир қарашда кўзга ташланмайдиган расмий чегара бор эди. Масалан, Бухоро амирлиги сарой иш юритиш тизимида саййидларга “*сийодатпаноҳ*”, хўжаларга эса “*асолатпаноҳ*” деб мурожаат қилиш қоидаси мавжуд бўлган. XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро амирлигида бўлган. Н.В. Хаников (1819–1878) ҳам бу ердаги сакрал хонадонларнинг саййид (ҳазрати Усмон ва ҳазрати Али авлодлари) ва хўжага (Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ал-Фаруқ авлодлари) ажратилиши ҳақида ёзган [9: 182]. Бироқ “хўжа” сўзи кенг маънода сакрал хонадонларнинг барча қатламига нисбатан ҳам қўлланилган. Бу айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб яққол кўзга ташланиб қолди. Хусусан, шарқшунос А.Л. Куннинг (1840–1888) XIX асрнинг 70-йилларидаги Самарқанд экспедицияси кундалик қайдларидан бирида саййид ва хўжалар бир ном остида тилга олинса-да, улар икки тоифага ажратилган (мазкур қайднинг қачон ва қаерда ёзилган айтилмаган. Рўйхатда Аҳрорий (Сиддиқий) хўжаларга алоҳида эътибор берилганига қараганда, у Самарқандда битилган. Биринчи тоифага “хўжайи покиза” яъни Ҳусайн ибн Али авлодлари бўлган Махдуми Аъзамий, Мираконий, Аҳрорий ва Саййид Атойи оилалари кирган. Улардан бошқалар эса “хўжагони чаҳорёрий” деб аталган

иккинчи тоифага мансуб бўлган [3: 7*б*–8*а*]. Лекин кейинчалик саййидлар ҳам хўжалар ҳам хўжа деб аталаверган. Буни Зарафшон округининг статистик маълумотномасидан ўрин олган аҳоли рўйхатидан ҳам кўрса бўлади (оқсуяк-хўжа, бахшойиш хўжа, мираконий хўжа) [7: 311]. Бундай қараш ўша давр маҳаллий муаллифларнинг асарларида ҳам учрайди. Жумладан, Бухоро маданий муҳитининг сўнги йирик вакили Садриддин Айний (1878–1954) саййидларни хожагони Саййид Атойи, хожагони Мир Кулолий, хожагони Мираконий, хожагони Нақшбандий (барчаси Ҳусайний), хожагони Убоний (Усмон ибн Аффон авлодлари) тарзида умумлаштириб берган [1: 330–333]. Шунга ўхшаш ёндашув ёки сакрал оилалар вакилларини саййид, хўжа, тўра, эшон каби қатламларга ажратиш Ўрта Осиё этнографияси ва антропологиясини ўрганувчи тадқиқотчилар орасида ҳам кенг қўлланилади [2: 148–150; 14: 161–212; 4: 35–45].

Саййидларнинг асосий ва ён тармоқлари (Ҳусайний саййидларнинг Термизий, Мираконий, Махдуми Аъзамий, гули сўрх, карвак каби тармоқлари) бўлганидек, хўжалар ҳам ана шундай тармоқларга эга бўлган. Масалан, минтақада хўжаларнинг Алавий, Авлиё Қорахоний (Алавий хўжалар), Умарий Боғистоний, Шайх Хованд Таҳурий, Форуқий (Умарий хўжалар), Ҳофиз Кабирий, Куйи Орифоний, Аҳрорий (Сиддиқий хўжалар) каби тармоқлари жуда машҳур бўлган. Айрим тармоқлар эса маълум бир ҳудудда тарқалгани билан ҳам ажралиб туради. Хусусан, Сиддиқийларнинг Ҳофиз Кабирий тармоғи, асосан, Бухоро ва Балхда фаол бўлиб, бошқа ҳудудларда деярли кузатилмайди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғонада кенг тарқалган Аҳрорийлар ёки Форуқийлар Хоразмда кузатилмайди. Айрим хўжалар саййидлардек оилавий титулларга эга эди. Хусусан, *тўра* Аҳрорийлар учун (*тўра* титулига саййидлар орасида Махдуми Аъзамнинг Самарқанд ва Фарғона водийсидаги авлодлари ҳам эга бўлган), *миён* Форуқийлар учун хос бўлиб, бошқа Сиддиқийлар ёки Умарийлар бу титулларни ололмас эди.

Саййид ва хўжа дихотомияси. *Дихотомия* атамасини юнон тилидан бирор нарсани ўзаро боғлиқ ҳолда иккига бўлиш, бир синфга мансуб тоифалар ўртасида иккига бўлиб олиш маъноларида тушуниш мумкин. Ўрта Осиё сакрал хонадонлари контекстида эса ушбу

тоифага тегишли мансаб, имтиёз ва ҳуқуқларнинг саййид ва хўжалар ўртасида тақсимлаб олинишидир.

А. Мец (1869–1917) Умавийлар даврининг йирик шаҳарларида дастлабки уч халифа авлодлари ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмагани ҳақида ёзади. Шунга яқин хулосани А. Ламбтон ҳам билдириб ўтган. Унинг ёзишича, айни шу даврда Эрон жамиятида икки тоифа – саййидлар ва сўфийларгина имтиёзларга эга бўлган [5: 137; 12: 318–319]. Аслида чаҳорёрлар хонадонларининг илк авлодлари айрим диний мансабларни эгаллаган. Лекин улар ҳали сакрал оилалар қатламининг тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилинмаган эди. Мўғуллар истилосидан кейинги Ўрта Осиё жамиятида саййид шарифлар қатлами ҳақиқатан ҳам жуда сийраклашиб кетди. Айни шу даврда минтақада аҳли байтга мансуб хонадонлар сараланишининг навбатдаги босқичи юз берди. Саҳобалар ҳамда араб саркардаларининг озчилик ва тарқоқ бўлган авлодлари эса ўзларини бирлаштириб турувчи кучли ғоявий асосга эга эмасди. Улар ҳеч бир соҳада Ўрта Осиёдаги саййидлар ёки хўжалар билан рақобатлаша олмади. Шу сабабли, диний раҳнамолик ва имтиёзларни эгаллашда саййид ва хўжаларнинг дихотомияси юзага келди. Саройдан тортиб преферияларидаги сакрал хонадон вакилларига тегишли мансаблар (шайхулислом, қозикалон, нақиб, хўжаклон, ўроқ, садр ва бошқ.) ва солиқ имтиёзларидан саййидлар каби хўжалар ҳам фойдаланди. Ҳатто Бухоро амирлигида саййид ва хўжа эгаллайдиган диний мансабларнинг энг юқори даражаси ҳақида қарашлар ҳам шаклланган. Унга кўра, саййидлар *хўжакалон* мансабигача, хўжалар *шайхулислом* мансабигача кўтарилган (*меърожи амали саййидон то хўжакалони ва меърожи амали хожагони дигар то шайхулисломи*) [3: 7–8]. Аммо бу асосан Самарқанд ҳудуди учун хос бўлса керак. Сабаби, саййидлар мақомда хўжалардан юқори бўла туриб уламоларнинг энг юқори бўлган шайхулислом мансабини эгаллай олмаслиги мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, хўжаларнинг сакраллашуви фақат Ўрта Осиё мусулмон жамиятида юз берди. Чунки чаҳорёр авлодларининг саййид/шарифлардек обрўга, имтиёзларга эга бўлгани бошқа минтақаларда деярли кузатилмайди. Чаҳорёр авлодлари қисман Ҳиндистон мусулмон жамиятида ҳам юқори мавқега эга бўлган. Ўрта

Осиёда эса уларнинг мақоми саййидларникидек уламоларнинг фатволари ва ҳукмдорларнинг қонунлари билан мустаҳкамлаб қўйилди. Хўжаларга оид ишлар ҳам саййидлар каби нақиб ва шайхулислом томонидан кўрилган. XVI–XX аср бошларида хўжаларнинг энг муҳим мансаблар (баъзан саййидлар учун белгиланган нақиб, шайхулислом лавозимлари ҳам) ёки бошқа иқтисодий имтиёзларни эгаллашда амалда ҳеч бир тўсиқ йўқ эди. Ҳатто, Тошкент, Туркистон, Чимкент ва қисман, Самарқандда бу соҳада хўжалар деярли етакчиликни ўз қўлига олган. Албатта, сарой ҳужжатчилик тизимида саййид ва хўжа ўртасида расмий чегара сақлаб қолинди. Амалда эса маҳаллий уламолар хўжаларнинг бир тарафдан хўжа, иккинчи тарафдан саййидлик насабномаларини, уларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларнинг тўғрилиги ҳақидаги фатволарни тасдиқлайверган.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё сакрал хонадонлар таркиби бошқа ҳудудлардан фарқ қилади. Мўғуллар истилоси Ўрта Осиёдаги нафақат иқтисодий ва маданий ҳаётни, балки бу ердаги сакрал оилалар тизими ва субординациясини ҳам издан чиқариб юборди. Минтақада сакрал оилаларнинг саййид шариф принципига асосланган классик даври тугаётган бир даврда чаҳорёр “авлодлари” ҳам табақага мансублик даъвосини илгари суриб, уни муваффақиятли қонунийлаштириб олди. Айниқса, алавий, Сиддиқий ва Умарий насабга эга кўплаб хонадонлар саййидлар каби минтақа ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида чуқур из қолдирди. Келгусида хўжаларга тегишли насабномаларнинг янги нусхаларининг қўлга киритилиши ва атрофлича ўрганилиши мавзунинг бошқа қирраларини ҳам ёритиш, бу борада янги фикрларни айтиш имконини беради деган, умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айнӣ С. Ёддоштҳо. Қисми 1, 2. Душанбе, 1990.
2. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). Москва, 1976.
3. Кун (А.Л.) шахсий архиви / Санкт–Петербург Шарқ қўлёзмалари институти. Шарқшунослар архиви. 33-фонд, 211-йиғма жилд.

4. Маликов А. Ходжи Южного Казахстана: история и идентичность // Этнографическое обозрение № 4. 2014. С. 35–45.
5. Мец А. Мусульманский ренессанс. Издание 2-е. Москва, 1973.
6. Резван Е. Ходжа / Ислам. Энциклопедия. Москва, 1991. С. 279
7. Собелев Л.Н. Географическая и статистическая вседения о Зеравшанском Округе с приложением списка населенных мест Округа / Записки императорскаго Русскаго Географическаго Общества. По отделению Статистики. Том четвертый. Санкт–Петербург, 1874.
8. Султонов Ў. Ўрта Осиёда саййидлар хонадонларининг шаклланиши хусусида // Имом Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2018. №1. Б. 27–30.
9. Ханыков Н. Описание Бухарскаго ханства. Составленное Н.Ханыковымъ. Санкт–Петербург, 1843.
10. Bernheimer T. The ‘Alids. The first Family of Islam, 750–1200. Edinburgh University Press, 2013.
11. Kiliç R. Osmanlida Seyyidler ve Şerifler. Istanbul, 2005.
12. Lambton K. Ann. Continuity and Change in Medieval Persia. Aspects of Administrative, Economic and Social History, 11th–14th Century. State University of New York Press, 1988.
13. Morimoto K. Toward the Formation of Sayyido-Sharifology: Questioning Accepted Fact // The Journal of Sophia Asian Studies, No. 22. 2004. P.87–103
14. Privratsky Bruce G. Turkestan Belong to the Qojas: Local Knowledge of a Muslim Tradition / Devout Scieties vs. Impous State. Transmitting Islamic Learning in Russia, Central Asia and China, through the Twentieth Century. Islamkundliche Untersuchungen. Band 258. Berlin, 2004. P. 161–212.
15. Sayyids and Sharifs in Muslim Societies: The Living Links to the Prophet. Ed. Kazuo Morimoto. London-New York, 2012.
16. Schwarz F. Unser Weg schließt tausend Wege ein. Derwische und Gesellschaft im islamischen Mittelasien im 16. Jahrhundert. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2000.
17. The Encyclopaedia of Islam. New Edition. Leiden, 1986. Vol. 1.

Ў. Султонов

Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир

Мусулмон жамиятида сакрал хонадонлар (sacred family, saintly family) тарихи ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли исломшуносликда алоҳида қизиқиш билан ўрганиладиган муаммолардан саналади. Замонавий исломшуносликда sayyido-sharifology деб ном олган бу йўналишнинг назарий муаммоларига бағишланган бир қатор янги нашрлар ҳам эълон қилинган (К.Моримото, Р.Қилич, Т.Бернҳаймер ва бошқ.). Мазкур тадқиқотларда сакрал хонадонлар дейилганда ўз генеалогиясини Муҳаммад алайҳиссаломга боғловчи саййид-шарифлар назарда тутилган. Изланишларнинг географик қамрови ҳам асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Шимолий Ҳиндистон билан чегараланган. Лекин сакрал хонадонлар билан боғлиқ илмий муаммолар ислом оламининг йирик ва муҳим минтақаларидан бўлган Марказий Осиёда ҳам мавжуд. Қолаверса, бу минтақадаги сакрал хонадонлар фақатгина саййид-шарифлар чегарасидан анчагина ташқарига чиқиб кетади. Масалан, катта қисми ўз генеалогиясини чаҳорёрларга боғловчи хўжалар ҳам сакрал хонадонлар тоифасига даъво қилади. Бироқ маҳаллий тадқиқотчилар саййид ва хўжаларнинг насаб даъволарини, минтақа жамиятида тутган мавқеини етарлича фарқламайдилар. Табиийки, бу насабга оид матнлар таҳлили ва талқинида, муаммонинг илмий ечимига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда тақдим этилаётган мақолада хўжалар қатламининг насаб даъволари, сакраллашув жараёни ҳамда саййидлар билан муносабатларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: *Марказий Осиё, сакрал хонадонлар, sayyido sharifology, саҳиҳ ал-насаб, хожа/хўжа, сакраллашув, насабнома, легитимация, дихотомия.*

У. Султанов

К вопросу сакрализации центрально-азиатских ходжей

История святых семейств (sacred family, saintly family) в мусульманском обществе и их роль в общественно-политической жизни относятся к числу проблем, изучаемых с особым интересом в исламоведении. Был опубликован ряд новых исследований по теоретическим проблемам в этой области, которая в современных исламских исследованиях называется “sayyido-sharifology” (К.Моримото, Р.Килич, Т.Бернхаймер и др.). В этих исследованиях под святыми семействами понимаются саййиды, которые связывают свою генеалогию с Пророком. География таких исследований также в значительной степени ограничена Северной Африкой, Ближним Востоком и исламской Индией. Однако, научные проблемы, связанные со святыми семействами, существуют и в Центральной Азии, одном из крупнейших и наиболее важных регионов исламского мира. Кроме того, ситуация осложняется тем, что святые семейства в этом регионе выходят далеко за границы “sayyido-sharifology”. Например, потомки праведных халифов (чахарийар) - ходжи также претендовали на статус святых семейств. Браки и родственные связи между саййидами и ходжами также еще более усложняли определение социального статуса ходжей. К сожалению, некоторые исследователи не различают генеалогические претензии саййидов и ходжей, их статус в обществе региона. Это негативно влияет на интерпретации генеалогических текстов, а также, на постановку задач в этом направлении. Принимая во внимание эти аспекты, в представленной статье раскрываются генеалогические притязания ходжей, процесс сакрализации, а также их отношения с саййидами.

Ключевые слова: *сакральные дома, саййидо-шарифология, сахих ал-насаб, ходжа, сакрализация, генеалогия, легитимация, дихотомия, Центральная Азия.*

U.Sultanov

On the sacralization of Central Asian Khwajas

The history of the sacred family (saintly family) in Muslim society and their role in society are among the problems studied with special interest in Islamic studies. A number of new studies were published on theoretical problems in this area, which in modern Islamic studies is called "sayyido-sharifology" (K. Morimoto, R. Kilich, T. Bernheimer, etc.). In these studies, in the sense of the holy families, the sayyids are understood, who link their genealogy with the Prophet. The geography of such exploration is also largely limited to North Africa, Middle East and Islamic India. But scientific problems related to holy families also exist in Central Asia, one of the largest and most important regions of the Islamic world. In addition, the situation is complicated by the fact that the holy families in this region go far beyond the boundaries of "sayyido-sharifology". For example, the descendants of the Rashidun Caliphs (chahariyar) - khwaja also claimed the status of holy families. Marriages and family ties between sayyids and khwajas also further complicated the determination of the social status of khwajas. However, some researchers do not distinguish between the genealogical claims of sayyid and khwaja, their status in the society of the region. This negatively affects the interpretation of genealogical texts as well as the setting of tasks in this direction. Taking these aspects into account, this article seeks to reveal the genealogical claims of the khwajas, the process of sacralization, as well as their relationship with the sayyids.

Key words: *sacred houses, sayyido-sharifology, sahih al-nasab, khwaja, sacralization, genealogy, legitimation, dichotomy, Central Asia.*